



О'zbekiston Respublikasi

“O'zbekgidroenergoqurilish” aksiyadorlik jamiyatining

BUYRUGI

2022 yil «10» avgust № 98

Toshkent sh.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича танлов комиссиясини тузиш тўғрисида

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш жараёнини тартибга солиш мақсадида “Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. “Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖнинг жорий ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича жамиятнинг танлов комиссияси таркиби иловага мувофиқ тузилсин.

2. “Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖ унитар корхоналари раҳбарлари ушбу буйруқ ижроси юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида ахборот берилсин ва мазкур қонун талабларининг сўзсиз ижроси таъминлансин.

2.1 Унитар корхоналар “Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖ ижроия аппарати вакилларидан комиссия таркибига киритган ҳолда товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича танлов комиссияси таркиби илова қилинган ўз буйруқлари нусхаси 2022 йил 16 августга қадар жамиятга uzges@uzgidro.uz электрон манзили орқали тақдим этилсин.

3. Ушбу буйруқ тасдиқланган кундан бошлаб 2021 йил 24 майдаги 90-сонли буйруқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор

С. Юсупов

“Ўзбекгидроэнергоқурилиш” АЖнинг товарлар, ишлар ва хизматлар
хариди бўйича танлов комиссияси

ТАРКИБИ

Комиссия раиси:

Бош муҳандис Б.Алтибоев

Комиссия аъзолари:

Иқтисодиёт ва молия бўйича директор Ф.Нишанов

Бош ҳисобчи Э.Джабаров

Акциядорлар билан корпоратив
алоқалар бўйича бош мутахассис Е.Бараева

Режа-иқтисод бўлими бошлиғи Е.Ким

Ишлаб чиқариш-техник бўлим бошлиғи М.Махсудов

Моддий-техник таъминот бўлими бошлиғи В.Казанцев

Юридик бўлим бошлиғи З.Мирзакулов

Ғазначилик, таҳлил ва молиявий
ҳисобот бўлими бошлиғи И.Кодиров

Комиссия аъзолари ишдан бўшатишган ёки бошқа лавозимга ўтказилган ҳолатларда, мазкур лавозимга тайинланган шахс автоматик равишда комиссия аъзоси бўлади

Йиғилиш баённомаси жорий комиссия котиби томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади